O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 20 август, №169 (3281) Чоршанба



АҚШ СЕНАТОРЛАРИ САМАРҚАНДДА

САМАРҚАНД, 19 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бугун бу ерда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Сенатининг Ташқи алоқалар бўйича қўмитаси раиси Ричард Лугар раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Ричард Лугар оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, бу муаммога қарши курашишни кўзда тутувчи қатор халқаро қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда ташаббускорлик кўрсатган сиёсатчидир. У Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш ташаббусини юқори баҳолайди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги кўп томонлама муносабатлар, жумладан, сиёсий ва иқтисодий алоқалар, хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Айниқса, халқаро террорчилик, экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва қурол-яроғнинг ғайриқонуний савдоси каби иллатларга қарши курашда икки мамлакатнинг қарашлари муштараклиги ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамламоқда.

Самарқанд шаҳридаги қароргоҳда бўлиб ўтган учрашувда томонлар минтақада оммавий қирғин қуролларининг ноқонуний тарқалишига, экологик муаммоларга қарши кураш масалаларини муҳокама қилди. Икки томонлама ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов АҚШ Сенатида Ўзбекистон ва умуман, Марказий Осиёдаги муаммоларга ечим топишда минтақа давлатлари билан ҳамкорликка интилиш мавжудлиги, бу ердаги вазият доим америкалик сиёсатчилар диққат-эътиборида туриши қувонарли эканлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Америкалик меҳмонлар Самарқанднинг қадимий обидаларини томоша қилди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ).

АҚШ Сенатининг Ташқи алоқалар бўйича қўмитаси раиси Ричард Лугар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Вирусология илмий текшириш институтида бўлди.

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Институт директори Шабот Хўжаев ҳамда Республика карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази директори Аминжон Неъматов билан учрашувда мазкур соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар хусусида сўз борди.

Ўтган йили АҚШ Мудофаа вазирлигининг "Биологик таҳдид ва биологик террорчиликка қарши курашда ҳамкорлик" дастури доирасида Ўзбекистон Республикасидаги тиббий илмий текшириш муассасаларига 14 миллион АҚШ доллари миқдорида грант ажратилган эди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ўтказилган матбуот анжуманида Р.Лугар келаси йил 10 миллион долларлик навбатдаги грант ажратилажагини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Йўл қурилишини бошқариш тизимини такомиллаштириш, умумий фойдаланиладиган замонавий автомобиль йўллари тармоғини янада ривожлантириш, ортиқча бошқарув тузилмаларини қисқартириш, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш учун йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш ва йўл-транспорти коммуникациялари комплекси, "Ўзавтойўл" концерни, йўл хўжалиги тизими бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик концернини Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси ("Ўзавтойўл" ДАК) этиб қайта ташкил қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда "Ўзавтойўл" компаниясининг "Ўзавтойўл" ҳудудий давлат акциядорлик бирлашмалари негизида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ҳудудий шўъба йўлқурилиш ташкилотлари (Қорақалпоқавтойўл, Андижонавтойўл, Бухороавтойўл, Жиззахавтойўл, Қашқадарёавтойўл, Навоийавтойўл, Наманганавтойўл, Самарқандавтойўл, Сурхондарёавтойўл, Сирдарёавтойўл, Тошкентавтойўл, Фарғонаавтойўл, Хорезмавтойўл) ташкил этиш;

"Ўзавтойўл" компанияси таркибида туман автомобиль йўллари бошқармалари, эксплуатация-линия, йўллардан фойдаланиш, йўл-қўприклардан фойдаланиш бошқармалари негизида туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-эксплуатация корхоналари тузиш.

2. Қуйидагилар "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

республикада автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришда ягона техникавий, инвестиция ва ташқи иқтисодий сиёсатни ўтказиш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари, кўприклар, тоннеллар, энг аввало, халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган кўприклар ҳамда тоннелларга комплекс хизмат кўрсатиш ва уларни тегишли техник ҳолатда сақлаш ҳамда ўтказиш қобилиятини, шунингдек компания таркибига кирувчи пудрат ташкилотлари фаолиятини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш истиқболларини белгилаш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш масалаларининг комплекс ҳал этилишини таъминлаш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларида қурилиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга ошириш чоғида белгиланган қоида ва сифат стандартларига риоя этилишини назорат қилиш.

3. Белгилансинки, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш ҳудудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотлари зиммасига, автомобиль йўллари ва йўл инфратузилмасига комплекс хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг техник ҳолати устидан доимий назоратни амалга ошириш эса туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-эксплуатация корхоналари зиммасига юкланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси:

2003 йилнинг 1 октябридан бошлаб йўл хўжалигини бошқариш тузилмасидаги республика, вилоят ва маҳаллий йўл жамғармаларини тугатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика йўл жамғармасини тузиш тўғрисидаги;

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлис сессияси олдидан

ИМЗОНИНГ ҲАМ РАҚАМИ БОР

Кеча парламентимизнинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасида бўлиб ўтган мажлис одатдагидан қизғин ўтди.

Жамият тараққиёти юксалгани сари янги қонунлар қабул қилиш, амалдагиларига ўзгартишлар киритиш зарурати туғилади. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ва «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари лойиҳаларининг (биринчи ўқишда) Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессиясига киритилиши ҳам ана шу жараёнларнинг бир кўриниши. Мазкур қонунларнинг жамиятимиз ривожланишида, унинг тараққий этган мамлакатлар сафига кириб боришида ўрни беқиёс, албатта. Унга қадар қонунлар лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига киритиб, мукаммаллаштириш лозим. Шунинг учун ҳам йиғилиш қатнашчилари бу борадаги ишларни фаоллаштириш, унинг устида ҳамжиҳатликда ишлаш зарурлигини таъкидлашди.

Сўнгра «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг республика Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан бажарилиши ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Маълум бўлишича, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси мазкур қонун қабул қилинган кундан бошлаб ўтган 2,5 йил давомида муайян ишларни амалга оширган. Жумладан, қонунни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби лойиҳасини ишлаб чиқди. У Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 мартдаги 106-сонли қарори билан тасдиқланди. Бундан ташқари, «Даврархитектқурилиш» қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси («Даврархитектқурилишназорат») ва унинг тасарруфидаги инспекциялар томонидан қурилиш ва бинокорлик материалларини ишлаб чиқаришда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан четга чиқиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар мунтазам олиб борилмоқда. Мана шундай ва бошқа чора-тадбирлар туфайли қурилишларда технологик интизом кучайди, қоида бузиш ҳолатлари қисқарди. Масалан, 2000 йилда қурилиш-монтаж ишларини бажаришда меъёрлар, қоидалар ва лойиҳа ечимларига риоя қилинмаганлиги учун 8707 та кўрсатма берилган, 236 та иншоот қурилиши вақтинчалик тўхтатилган, 148 миллион сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилган. 2002 йилда эса 4149 та кўрсатма берилди, 109 та иншоот қурилиши вақтинчалик тўхтатилди, 117 миллион сўмлик жарималар қўлланилди. Энг кўп ҳуқуқбузарликлар Қашқадарё (26,7 фоиз) ва Самарқанд (24 фоиз) вилоятларида содир этилгани аниқланди.

2001-2002 йиллар ва жорий йилнинг биринчи ярмида республика бўйича қурилиш объектларида жами 14 мингдан ортиқ текширув ўтказилди. Шу давр мобайнида энг кўп ҳуқуқбузарликлар Тошкент вилоятида кузатилди. Ва улар юзасидан 1856 та кўрсатма берилди.

«Даврархитектқурилиш» идораларининг иш натижалари ва қурилишда юридик шахслар томонидан йўл қўйилаётган ҳуқуқбузарликлар таҳлили соҳада хато-камчиликлар учун юридик шахслар жавобгарлиги тўғрисидаги амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда

Мажлис аҳли қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахслар жавобгарлиги тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида парламент депутатларидан иборат ишчи гуруҳи тузишга қарор қилди ва унинг зиммасига мутахассислар билан биргаликда мазкур қонунга таклиф этилган ўзгартишлар, қўшимчаларни кўриб чиқиб, шу йил ноябрь ойида қўмита йиғилиши муҳокамасига киритиш вазифасини юклади.

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимизда

САНЪАТКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Б.ХИДИРОВА).

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — истиқлол шодиёналарига барча ижодий жамоалар қатори, вилоятлар санъаткорлари ҳам қизғин ҳозирлик кўраяпти. Улар тайёрлаётган юртимизнинг ҳар бир ҳудудига хос халқ оғзаки ижодининг бетакрор намуналари, куй-қўшиқлари, урф-одатлари акс этган томошалар байрам дастурига ўзгача файз бағишлаши шубҳасиз.

Байрам арафасида ушбу ижодий жамоаларнинг пойтахтимиз аҳолиси билан учрашувлари ташкил этилаяпти. Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди.

Бу ерга йиғилганлар Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм вилоятлари фольклор жамоаларининг чиқишлари, замонавий қўшиқчилик жанрида ижод қилаётган санъаткорлар ижодидан баҳраманд бўлди. Жиззахлик санъаткорлар халқ оғзаки ижоди, урф-одат ва қадриятлари асосида тайёрлаб келган дастур йиғилганларда, айниқса, катта таассурот қолдирди.

Кўзингизни асранг

Республика кўз касалликлари клиник шифохонасида АҚШнинг "Bausch & lomb" фирмаси томонидан ишлаб чиқилган "Millennim" аппаратининг ўрнатилишига бағишланган тақдимот маросими бўлди. Витреоренитал жарроҳлик амалиётини ўтказишда қўл келадиган ушбу аппаратдан амалиётда фойдаланиш йўллари ҳақида екатеренбурглик машҳур жарроҳ Виктор Казайкин тўлиқ маълумот берди.

Маълумки, ушбу жарроҳлик амалиёти қандли диабет ва турли тан жароҳати оқибатида кўзнинг шишасимон танасида қон қуйилиши содир бўлиб, кўриш қобилияти пасайган ҳолларда амалга оширилади.

М. ТОЖИЕВА.

Жойлардан хабарлар

Ҳамкорлар ҳиммати

Бухоро вилоятида ичимлик сув таъминоти ва сифати яхшиланадиган бўлди. Гап шундаки, Испания қироллиги вилоятда ичимлик сув таъминотини яхшилашга қаратилган лойиҳани молиялаштириш мақсадида 16 миллион 175 минг евро миқдоридаги узоқ муддатли кредит ажратган эди. "Дегремон Медио Амбьепте С.А." компанияси эса ичимлик сув тармоқларини таъмирлаш учун замонавий ускуналар етказиб бериш мажбуриятини олди. Яқинда Бухоро вилояти "Сувоқова" ишлаб чиқариш бошқармасига компаниянинг дастлабки ускуналари келтирилди. Қарийб 288 минг евролик ичимлик сув таркиби ва сифатини аниқлайдиган лаборатория ускуналари Бухоро, Когон шаҳарлари ва Олот туманига ўрнатилади.

Ўз мухбиримиз.

Янги мавсум масъулияти

"Уйчи пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамиятида маҳсулот сифатининг яхшиланиши корхона экспорт имкониятларини, айни пайтда жамоанинг иқтисодий манфаатдорлигини оширмоқда. Чунончи, ўтган мавсумни 22 миллион сўм соф фойда билан якунлаган қайта ишловчилар қиймати минг сўмлик ҳар бир акция ҳисобига 978 сўмдан дивиденд олишга муваффақ бўлдилар.

Бугун бош корхона ва жойлардаги қабул манзилларида тарози, пахта ғарамлаш майдонлари ҳамда механизмлар янги ҳосилни қабул қилишга тахт қилиб қўйилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Хорижликларга манзур толалар

Андижон вилоятидаги Бўз, Қўтарма, Чинобод пахта тозалаш заводлари қайта таъмирланиб, замонавий дасттоҳлар ўрнатила бошланди.

"Вилоятпахтасаноат" бирлашмасидан олинган маълумотга кўра, ўтган олти ойда 201 минг 135 тонна пахта қайта ишланди. 66 минг 287 тонна тола тайёрланди. Маҳсулотнинг катта қисми Англия, Франция, Германия, Россия, Украина сингари давлатларга экспорт қилинди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Уч дугона ибрати

Замирахон Абдуллаева, Тўхтахон Икромова, Раҳимахон Сатторовларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон билан Қирғизистонни бир-бирига боғлаб турувчи "Дўстлик" чегара ҳудудида сўзлашув шоҳобчаси иш бошлади. Дугоналар Хўжаобод тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига мурожаат қилдилар. Палатадагилар қизларнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашди.

Чегара ҳудудида алоқа хизматининг йўлга қўйилиши шу ерда яшовчи аҳолининг 10-15 километр йўл босиб туман марказига қатнашига барҳам берди. Туман ҳокимлиги шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув шохобчаси учун ер ажратди.

Ўз мухбиримиз.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Т.БОТИРБЕКОВ).

Ўзбекистоннинг мустақиллики қўлга киритганлиги, жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги туб ўзгаришлар, айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасининг фуқаролик жамиятининг инсонпарварлик, адолат тамойилларига мувофиқ такомиллаштирилиши жиноий жазоларнинг либераллаштирилишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси янги Жиноят кодексининг қабул қилинганлиги, айтиш мумкинки, тоталитар тузумдан ҳақиқий демократик ҳуқуқий давлатга ўтиш жараёнида республика суд-ҳуқуқ тизимини қайта қуриш борасида муҳим босқич бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлат қурилишидаги рўй берган катта ўзгаришлар, мамлакатимиз раҳбарияти ва ҳарбий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида мустақиллик йилларида Қуролли Кучлардаги жиноятчиликнинг 47,7 фоиз камайишига эришилди. Армия ҳаётидан менталитетимизга ёт "дедовщина, казарма безорилиги", дезертирлик каби иллатлар барҳам топаяпти.

Армиянинг фаолияти фуқаролик жамияти ҳаёти билан бевосита боғлиқ. Юртимизда жиноят қонунчилигининг либераллаштирилиши ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши қаратилган жиноятларга ҳам татбиқ этилмоқда.

Илк маротаба Жиноят кодексининг жазо тизимидаги озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган турлари кенгайтирилиб, хизмат бўйича чеклаш жазоси амалга киритилди. Бундай жазо ҳарбий хизматчига ҳарбий хизматни ўтаб юриб, айбини ювиш имконини беради.

— Тошкентдаги Марказий офицерлар саройида "Ҳарбий одил судлов ҳарбий хизматчилар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолати" мавзуида бўлиб ўтган йиғилишда шулар ҳақида сўз борди. Уни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси Т.Мирзаев бошқарди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова, мудофаа вазирининг ўринбосари М.Аҳмедов, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси Х.Дўстмуҳамедов, Олий Мажлис Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари И.Собиров, Республика ҳарбий прокурори Ш.Узоқов ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Йиғилишда бугунги кунда мамлакат Қуролли Кучларида қонун устуворлигини таъминлаш борасида ҳарбий судлар томонидан муайян ишлар амалга оширилаётгани, улар том маънода мустақил бўлиб, армиядаги ҳарбий хизматчилар ҳуқуқлари ва эркинликларини мунтазам равишда ҳимоя қилиб бораётганлиги алоҳида таъкидланди.

Беғараз ёрдам доирасида

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири В.Николаев).

Кореянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОІСА) ўз ҳукумати номидан беғараз ёрдам доирасида Ўзбекистоннинг қатор ташкилотларига умумий қиймати 120 минг АҚШ долларига тенг ускуналар берди.

Корея Республикасининг элчихонасидан хабар беришларича, ускуналарни олувчилар орасида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Ўзтелерадиокомпания, Самарқанд Давлат чет тиллари институти бор. Ускуналар турли офис техникаси, маиина ва бошқалардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига маблағларни йиғиш ва тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ ва Давлат божхона қўмиталари зиммасига юклаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Қуйидагилар Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Республика йўл жамғармаси маблағ тушумлари ҳамда сарф-харажатларининг йиллик ва квартал балансларини шакллантириш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлашнинг инвестиция лойиҳалари ва тендер ҳужжатларининг техникавий-иқтисодий асосланишини экспертизадан ўтказиш;

йўл хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашнинг номма-ном рўйхатларини белгиланган тартибда келишиб олиш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш смета харажатларини рўйхатдан ўтказиш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги тадбирларни тасдиқланган харажатларга мувофиқ молиялаш, жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш.

6. Белгилансинки, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилади, уларнинг миқдори ҳар йили Давлат бюджети тасдиқланиши билан бир вақтда белгиланади.

7. "Ўзбекистон Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни ("Ўзавтойўл")ни ташкил этиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 26 январдаги ПФ-546-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисобланисин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш бўйича қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 19 август.

Олий Мажлис сессияси олдидан

ҚОНУНЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Олий Мажлиснинг Иккинчи чақириқ ўн иккинчи сессияси бошланишига саноқли кунлар қолди. Айни пайтда парламентнинг барча қўмита ва комиссияларида иш қизғин бормоқда. Ишчи гуруҳ аъзолари қонун ижодкорлиги, қонунларнинг бажарилишини назорат-таҳлил қилиш ва амалий тадбирлар ўтказиш борасида фаолият кўрсатишмоқда. Бу борада Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасининг икки сессия оралиғида амалга оширган ишлари ҳам самарали бўлди.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда қонунларнинг ўрни беқиёс. Қонун асосида иш юритиш, унга қатъий амал қилиш, албатта, мувафқиятни таъминлайди. Кейинги пайтда республикамизда аҳолининг ҳуқуқий онги ошаётгани боис барча соҳаларда қонунбузилиши ҳоллари камайди. Бунга, табиийки, парламентимиз томонидан пухта, ҳаётимизни кенг қамраб олувчи қонунларнинг қабул қилинаётганлиги омил бўлмоқда.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси икки сессия оралиғида мамлакатимиз ҳукуматининг бош стратегик мақсади ҳисобланган бозор иқтисодига асосланган демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Асосий вазифа иқтисодиётни ислоҳ қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, унинг эркинлигини кафолатлаш, бозор муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаларини тайёрлашдан иборатдир.

Шу билан бирга, қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ва амалий тадбирларни ўтказиш борасида ҳам иш олиб борилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси қарорларига кўра, республикамизда ишлаб чиқариш учун хомашё мавжуд бўлган товарларни, хусусан, истеъмол маҳсулотларини тайёрлаш учун зарур шарт-шароит яратиш ҳукуматимиз фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири қилиб белгиланган. Ҳаёт уларни ҳисобга олган ҳолда қонун тайёрлашни тақозо этмоқда.

Қўмита икки сессия оралиғида "Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида"ги ва "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларини мутахассислар, экспертлар ва депутатлар ишчи гуруҳи билан биргаликда тайёрлади ҳамда Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессияси кун тартибига биринчи ўқишда муҳокама қилиш учун киритмоқда.

"Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенцация божлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мамлакатимизда муайян товарларни тайёрлаш ёки уларни ишлаб чиқаришнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган демпинг ва субсидияли товарларнинг Ўзбекистонга импорт қилинишига таъсир кўрсатиш механизмининг жаҳон андозаларига мос бўлишини таъминлашга қаратилган. У мамлакатимиз иқтисодиётига етказилган жиддий зарар ёки унинг хавфини бартараф этиш шаклида товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида қўлланиладиган антидемпинг ва компенсация чораларини жорий этиш тартибини белгилайди.

Қўмита томонидан тайёрланган "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонун ҳам давр талаби бўлиб, жамиятимизнинг барча соҳаларида ислоҳотларнинг чуқурлашиб бораётган жараёнлари туфайли вужудга келган объектив зарурат ҳисобланади. Қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2003 йил 24 январдаги "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг ҳиссаси ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланди. Қонунни ишлаб чиқиш жараёнида бир қатор ривожланган давлатлардаги бу борадаги аҳвол тадқиқ этиб кўрилди. Улардан мамлакатимизга мос келадиган жиҳатлари олинди. Хорижий давлатлардаги хусусий корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий мақоми ўрганилиб, ижобий томонлари лойиҳада ўз аксини топди.

Шунингдек, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Киритилган таклифлар мутахассислар ва экспертлар билан биргаликда муҳокама қилиниб, лойиҳа тайёрланди. Бундан ташқари, қўмита аъзолари Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси муҳокамасига бошқа қўмиталар томонидан киритилаётган, мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларига таллуқли муҳим қонун лойиҳалари муҳокамасида қатнашиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Сессиялар оралиғида режага кўра қонунлар ижросини назорат-таҳлил қилиш борасида ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Масалан, жорий йилнинг июнь ойида депутатлар ишчи гуруҳи Наманган вилоятида бўлиб, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ижросини ўрганиб чиқишди. Аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш юзасидан зарур тавсиялар беришди. Қонунни тўлиқ бажариш учун вилоятда барча имкониятлар етарли эканлиги, уни амалга ошириш учун фақат эътиборни кучайтириш кераклигини кўрсатиб ўтишди.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Яқин танишларимдан бирини қўлида бир талай қоғоз, қурувчи мутахассислар тушунадиган аллақандай лойиҳа намуналари билан учратиб қолдим. Янги уй қурмоқчи бўлиб, шунинг ҳужжатларини тахтлаб юрган экан. Бир бошдан гапириб берди: бир ўтиришда камида олтмишта одам сиғадиган меҳмонхона, ётоқхона, иш кабинети, ювиниш хонаси (меҳмонлар учун алоҳида), "подвал"да яна битта дам олиш хонаси, бильярдхона (булар ҳам меҳмонлар учун!), ҳовли четида сауна, бассейн ва ҳоказолар...

Ҳавасим келди. Аста-секин бўй чўзиб келаётган тўртта фарзанди бор. Гап орасида "Болаларга ҳам бир-иккита хона режалаштирмабсиз-да" дегандим, танишим дарҳол жавоб қайтарди:

— Ҳе, болаларми, шу уйни болаларга деб қуряпман-да, оғайнижон. Худо "ол, қулим" деб турса, томини ёпиб, ичини суваб олсак бўлди...

Қишлоқ меъморчилиги

КУЛИБ ТУРАДИГАН УЙ

Уй-жой қурилиши муаммоларига доир мулоҳазалар

Халқимизнинг меҳмондўстлиги шу уй қурилишида ҳам кўриниб турганига қойил қоламан. Кичик бир тажриба ўтказиб, уй қураётган таниш-билишларингизни гапга солиб кўринг. Ёки бирорта дўстингиз уй (ҳовли) тўйига айтган бўлса, эътибор беринг: уй ҳақидаги ҳикоя меҳмонхона таърифидан бошланади: "Фалонча одам бемалол ўтириши мумкин, меҳмонлар бемалол дам олишлари мумкин, меҳмон-измон келса..."

Бундайин меҳмоннавозлик ҳаммамизнинг ҳам қон-қонимизга сингиб кетган. Энг сара нарсаларни, гоҳо бола-чақага ҳам раво кўрмай, меҳмонга тутамиз. Меҳмон келса, йўқ нарса ҳам муҳайё бўлади. Уй қураётган ўн кишидан биттаси ҳам болаларига мўлжалланган хоналар, уларнинг дам олишлари, китоб ўқишлари, спорт ёки компьютер билан шуғулланишлари имкониятларидан гап очмайди. Шундай имкониятларни кўзда тутиб уй солаётган киши ҳам суҳбатни меҳмонхона — залдан бошлайди.

"Нега шундай?" деб сўранг. "Таомил шунақа-да, ака, меҳмон атойи худо", дейди.

Қишлоқлардаги уйларнинг "архитектураси"га эътибор берсангиз, яқин-яқингача битта қўлбола лойиҳа ҳукмрон эди: икки уй(яъни, хона), ўртаси даҳлиз, олди айвон. Эр-хотин, болачақа учун битта уй, меҳмон учун битта уй. Кейин-кейин ўша иккита уй (хона)нинг биттаси "кўндаланг уй" номини олди. Хоналарнинг биттаси узунасига, биттаси кўндалангига жойлаштирилса, айвон 3-4 метрга қисқариб, тахминан 4-5 та тўсин, 10-12 та устун тежалади. Бошқа жойларни билмайман, аммо биз томонларда айни шу усулни ихтиро қилган усталарнинг ҳақига қанчадан-қанча дуолар қилинган, отасига раҳматлар айтилган. Асосан меҳмонлар учун ясатиб, тузаб қўйилган кўндаланг хоналар таърифини эшитсангиз эди: "Кеча Мамажонбойнинг кўндаланг уйида бир яйрадик, бир яйрадик..."

Кўндаланг уй(хона)нинг қулайлиги шундаки, унга даҳлиз орқали эмас, айвон четидаги алоҳида эшикдан кирилади, деразалари асосан ҳовли ичига қараган бўлади. Меҳмонлар даҳлиздаги, ичкари уйдагиларни безовта қилмай бемалол кириб-чиқаверади.

Буларни эслаётганимнинг боиси қишлоқ уйсозлигида ҳозиргача ҳам асосан шу лойиҳа — битта уй(хона) узунасига, иккинчиси кўндалангига, ўртаси даҳлиз ва олди айвон сақланиб қолмоқда.

Қурилиш архитектурасига дахлдор бирорта ташкилот шу чоққача қишлоқ жойларда қурилаётган уй-жойларнинг маҳаллий шароитларга мослаштирилган типовой лойиҳаларини бир неча вариантларда тайёрлаб, тарқатганидан бехабарман. Тарихимиз варақланса, айни уй-жой қурилиши борасида ҳам ҳали-ҳануз фойдаланса арзийдиган тажрибалар кўплаб топилади. Бир жойда уй деворларини синч-(қўшсинч) усулида, иккинчи жойда пахса билан, учинчи жойда ғишт билан кўтариш мумкин.

Боғбон, деҳқоннинг уйида мева-сабзавот сақланадиган ертўлага зарурат бор. Бўлганда ҳам одам бўйидан камида бир қарич баланд, эшигидан ташқари камида иккита-учта туйнукчаси бўлиши керак. Қишлоқдагилар янги уйларни таърифлашганида, "Фалончи уй солибди, барака топсин, ертўласига камида йигирма тонна мева сиғади", деб кўпиртиришади.

Авваллари ҳовлиларнинг кўча дарвозасидан ташқари даромад эшиги ҳам бўларди. Бу эшикдан уй ҳайвонлари эрталаб подага қўшилади. Даладан ўриб келинган пичан, ем-хашак ҳовли саҳнини ифлос қилмаслиги учун шу эшикдан олиб кирилади. Бундай ҳовлилар қурилишни режалаштиришда, албатта, оғилхона, сомонхонани қандай жойлаштириш ўта муҳим. Уйда чорва боқилганидан кейин, қишқировли кунларга кам деганда 200-300 боғ пичан, 50-60 қанор сомон ғамлаб қўйиш керак. Айни шу нарсалар ҳисобга олинмай қурилган уйларда одамлар ем-хашакни уйнинг чордоғига босиб қўйишади. Бу — ўта хавфли. Негаки, қишлоқларда юз бераётган ёнғин ҳодисаларининг ҳар иккинчисига шу ҳолат сабаб бўлмоқда.

Даромад эшиги тўй-ҳашамларда, ҳаммамизнинг ҳам бошимизда бўлган мусибат кунлари очиб қўйилади. Қўшни томон деворидан очилган дарича ҳам яхши-ёмон кунларда асқотади.

Демакки, қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши билан боғлиқ муаммолар талайгина. Афсуски, кўп жойларда бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Инсофли одам кўчани кенг қолдиради, инсофсиз деворни 1-2 метр ташқарига суриб, йўлакни торайтиради. Боз устига, яна 1-2 метр жойни дуч келган темир-терсак, калта-култа ёғоч бўлаклари билан ўраб олади. Натижада кўча эгри-бугри, ола-қуроқ бўлиб кетади. Бунинг устига, битта уй кўча томонда, иккинчиси — ҳовлининг ичкарисида, яна бири қибласи олиниб қурилган. Кўчаларга асфальт ётқизиш, газ трубаларини ўтказишда муаммо устига муаммо чиқади.

Бундан беш-олти йиллар аввал Маданият ишлари вазирлиги ташаббуси билан қишлоқларда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатадиган гузарлар қурила бошланган эди. Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида бу борада талайгина ишлар қилинди. Қишлоқ марказлари ободонлашиб, маҳаллий маҳсулотлар сотиладиган дўконлар, косиблик устахонаси, кутубхона, сартарошхона, турфа хил тикиш-бичиш цехлари ишлай бошлади. Афсуски, бу хайрли ташаббус кейинчалик мамлакатга кенг ёйилмай тўхтаб қолди.

Кавказ, Болтиқбўйи мамлакатларида "Бир авлод уй қуради, йигирма авлод унда яшайди" деган гап бор экан. Бизда эса отанинг ҳам, ўғилнинг ҳам, набиранинг ҳам умри қурилиш билан ўтади. Ота қурган уйни ўғил бузиб янгилайди, набира тўкилган-сўкилган жойини "ямайди", чевара томини очиб бошқатдан ёпади.

Нима, бизда бир марта астойдил қуриб, 80-100 йил "Ўрикзор"даги тахта бозорининг чангини ютмай бемалол яшаш истаги йўқми? Бор, албатта. Аммо биргина истакнинг ўзи билан иш битмайди-да! Бир сулоланинг 15-20 та авлоди лой чангалламай яшайдиган уйни қуриш учун нима қилиш керак?

Шу ва шу каби бошқа саволларга жавоб ахтариш учун, келинг, уй-жой қурилишининг бугунги манзарасига бир назар ташлайлик.

Шаҳарда. Аниқроғи, пойтахтда.

Пойтахтда кўрса кўз қувонадиган уйлар қад ростламоқда. 20 тонна юк юклаган баҳайбат "КРАЗ"лар дарвозасидан бемалол кира оладиган, томига қарасангиз, дўппингиз бошдан учадиган уйлар ўнлаб, юзлаб қуриляпти. Бозор иқтисодиёти шароитида ишбилгилик қилган, ҳорижда ўқиб иш ўрганган тадбиркорлар, хусусий корхоналар очиб, меҳнатлари ҳисобига яхшигина даромад топаётганлар ҳашаматли уйлар қуришмоқда. Улар орасида битта-яримта даромади нотайин "уддабуронлар" ҳам борлиги сир эмас. Майли, қураверишсин, ҳеч ким бу иморатларни орқалаб бирор жойга олиб кетмайди.

Шаҳарда уй-жой қуриш бир томондан мураккаб иш эмас. Ҳалқа йўлларидаги бозору бозорчаларда нима хоҳласангиз, ҳаммаси ипидан игнасигача муҳайё. Ишчи кучи муаммо эмас. Усталарни чертиб-чертиб танлайсиз. Қўлбола цехларда нимани истасангиз, нимани буюрсангиз, айтганингиздек қилиб беришади. Транспорт масаласи тамомила ҳал бўлган. Киракашлик қилиб юрган чапдаст йигитлар бир зумда ҳожатингизни чиқаришади. Фақат пул бўлса, бас. Қурилишингизни кўриб олишса, қайси кунга қум, қайси кунга шағал, алебастр ёки цемент кераклигини ўзлари чамадаб, сизни овора қилмай ташлаб ҳам кетишаверади. Муҳими, пул бўлса, бас! Лекин...

Лекини шуки, янги замоннинг бу янги иморатларида, афсуски, ортиқча ҳашам, миллий шаҳарсозлик санъатимизга мутлақо мос ва хос бўлмаган кўринишлар кўзга ташланади. Юқорида айтиб ўтганимиз — болалар учун қулайликлар ўрнига бинонинг ташқи кўринишига алоҳида зеб бериш, маҳобат ва салобатда қўниқўшнилар билан ўзига хос мусобақа кетаётгани ҳам сир эмас. Тўғри, ҳар кимнинг диди бошқа, имконияти бошқа. Аммо ҳар қанча бой-бадавлат бўлганда ҳам ошкора исрофгарчиликка йўл қўйилмагани мақбул. Қадимда кексалар ҳовлидаги ўчоқни қўшни томоннинг девори тагига қуришмас экан — тутуни ҳамсоянинг кўзини ачиштирмасин деб. Қўлим узун экан деб варанглатиб уй солсангизу, хокисор бир қўшнингизнинг ҳовлисига қуёш тушмай қолса, шабада йўли тўсилиб қолса, бундан ёмони йўқ. Қиш-қировли кунларда, баҳорда қор қаёққа қараб куралади, сув қаёққа қараб оқади — буни ҳам, шубҳасиз, ҳисобга олиш керак.

Нима демоқчимиз? Ҳар қандай қурилиш кўча, маҳалла, қўни-қўшнилар манфаатини ҳам ҳисобга олган ҳолда режалаштирилиши керак. Бу иш билан мутасадди ташкилотлар жиддий шуғулланмоқлари зарур.

Яна бир мулоҳаза. Кимдандир эшитганим бор. Қурилишбоп ёғоч материаллари Болтиқбўйи мамлакатларида Ўзбекистонга нисбатан ўн баробар кўп бўлгани ҳолда у ерларда уй-жой қурилишига ёғоч материаллари бизга нисбатан анча кам ишлатилар экан. Шунақа қизиқ одатларимиз борда. Масалан, биз идоравий ёзув-чизувга ишлатиладиган қоғозларни анча қиммат нархда четдан олиб келамиз ва ... ўша қоғоз варақларининг фақат бир томонига ёзамиз. Шу ортиқча қоғозни бизга пуллаётганларининг ўзлари эса унинг икки томонига ёзишар экан.

Бундан анча йиллар илгари ёшлар нашриётига қоғоз ундириш учун Архангельск вилоятининг Котлас шаҳрига борганимда, асосан ботқоқ устига қурилган, иморатларининг деярли кўпчилиги юк тақсимотидан келиб чиқиб, у ёнига, бу ёнига қийшайиб қолган бу шаҳарда яшовчи суҳбатдошларим "Сизларда тош, шағал сув текин-а", дея юртимизга ҳаваслари келган эди.

Дарҳақиқат, бизда қум, шағал, тош етарлича бор. Лекин, бор экан деб дуч келган жойга цемент ётқизавериш, ҳовлиларни йўлакларга бўлиб, цементлаб, асфальтлаб ташлаш одат тусини олмоқда. Битта танишимизга ҳовли саҳнини бекор бетонлабсиз, ҳеч бўлмаса уч-тўрт туп мевали дарахт экиб қўйсангиз бўлмасмиди, десам, фикримга қўшилмади: "Бе, бозор тўла мева-ку, оғайни..."

Тўғри, бозор тўла. Аммо ҳаммаёғига бетон қуйиб ташланган ҳовлида катта бўлган бола ўрик, шафтоли қандай гуллашини, анжир қандай мева тугишини, ҳусайни қандай ранг олишини билмай ўсса, ниҳоллар парваришидан лаззатланишни билмаса, баҳорда бўйрадай жой бўлса ҳам, ағдариб, ҳеч бўлмаса қозонга тушадиган бирор-бир экин экишга ўргатилмаса, бу жуда ташвишли, билсангиз.

Халқ ичида машҳур табобатчи Муҳиддин аканинг шаҳарнинг қоқ марказидаги уйига бориб ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим. Ҳовли тўла гул, бир-биридан антиқа. Бири ғунчалаб, иккинчиси очилиб, учинчиси уруғ боғлаб ётибди. Бу ҳам майли, чоғроққина ҳовлининг уч-тўрт ерида 8-10 килолик беш-олтита тарвуз етилиб турибди. Бир жойда селекционерлар етиштирган ошқовоқнинг янги нави, сал нарироқда бир жўяк-бир жўяк помидор, булғори, райҳон.

Ишонинг, булар майда нарсалар эмас. Ўзинг экиб, ўзинг ундириб, ўзинг парваришлаган бир дона гул, бир дона райҳоннинг роҳати ҳеч қанақа таърифга сиғмайди.

Қишлоқларимизда-чи?

Қишлоқларимизда ҳам бинойидек уйлар қурилаяпти. Кўзингиз тушган бўлса, маҳаллий усталарнинг ҳам маҳоратлари ошиб бораяпти. Халқда бир гап бор: "фалончининг иморати кулиб тушибди..." Пойдевори бироз кўтарилган, уй пештоқлари озроқ бўртиб чиққан уйларни шундай баҳолашади. Ҳозир қаерга борманг, мана шунақа "кулиб тушган" баҳаво уйларни кўплаб учратасиз.

Уйларни лойиҳалашда ҳам ижобий ўзгаришлар бор. Одам боласига бир нарса ёқдими, шуни ҳавас қилмай қолмайди. Битта ҳамқишлоғимиз бундан ўн йилча аввал бир олис шаҳарга бориб у ерда қурилаётган уйларни, айниқса, бир оилага мўлжалланган хонаки ҳаммомларни кўриб, тарҳини қоғозга тушириб келган экан, аввалига маҳаллий усталарни ҳайрон қолдириб ажабтовур уй солди. Ажабтовурлиги шундаки, битта беш-олти хонали уйнинг ичида оила учун, меҳмон-измон учун алоҳида-алоҳида ювиниш, зарурат хоналари бор. "Ў, боласи тушмагур-ей, энди келганки меҳмонни хумчага ўтқизади", дея роса кулганлар ҳам бўлди. Кейин эса, ҳаммом ишга тушиб, бир марта-ярим марта ювиниб чиқишгач, "Ў-ҳў, жоннинг роҳати экан-ку", дея ҳавас қилиб кетишди. Бугун битта қишлоқда элликдан ошиқ ҳаммом гуриллаб ишлаб турибди.

Лекин қишлоқда ҳамма ҳам "кулиб турадиган" уй қураётгани, аниқроғи, қура олаётгани йўқ. Асосий материал гувала, сомонли лой, похол бўлганидан кейин илож қанча? Ғишт қиммат, ёғоч, тахта қиммат, темир қиммат. Бундан 8-10 йил аввал қурилишбоп терак ўстириш масаласи ҳукумат даражасига кўтарилганидан кейин, бу борада анча-мунча ишлар қилинди. Аммо уй деганингиз битта терак билан битмайди. Вазирлар Маҳкамасининг "Ички бозорни ёғоч-тахта материаллари билан тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан сўнг бозорнинг бироз ҳовури тушди.

Президент Ислом Каримов яқинда Самарқанд вилоятида бўлиб, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароити, уй-жой қурилиши муаммоларига қизиққанларида, гап бориб... ғиштга тақалди. Ғишт бўлса, уйнинг ярми битди деяверинг. Аммо ғишт деганингиз арзон-гаровга олинадиган маҳсулот эмас. Кўпгина ғишт хумдонлар ишламай қўйган — таннарх баланд! Давлатимиз раҳбари шу жойнинг ўзида ғишт заводларига электр энергиясидан фойдаланишда давлат ҳисобидан маълум имтиёзлар бериш таклифини ўртага қўйди. Бу таклиф амалга ошса, шубҳасиз, қишлоқ қурилишларининг ҳам сифати, ҳам суръати ортади.

Яна бир гап. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида, жумладан, Қўшма штатларда ҳам, уй-жой кредит ҳисобига қурилади. Кредитнинг бу тури бошқаларига нисбатан анча имтиёзли бўлиб, уни олиш деярли мураккаб эмас. Иш жойингиз, даромадингиз тайин бўлса, молиявий тартиб-қоидаларга амал қилиб юрган бўлсангиз, марҳамат, керакли маблағни чоп-чоп, юғур-юғур қилмай, амалдорларнинг қабулхонасида сарғаймай олишингиз мумкин.

Бизда ҳам шундай бўлиши керак. Уй қураман, том ёпаман деган кишини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш даркор. Жамоа хўжалиги ёш оилага уй қуриш учун ер участкаси ажратдими, кимдир келиб, "Хўш, нима қурмоқчисан, қанақа қурмоқчисан, ниманг бор, ниманг йўқ?" дейиши керак. Қишлоқ жойлари учун мўлжалланган икки, уч, тўрт хонали уйлар лойиҳаларини кўплаб тайёрлаб одамлар, айниқса, ёш оилалар орасида кенг тарғиб қилиш зарур.

Қишлоқда уйлар асосан ҳашар йўли билан қурилади. Уч-тўрт туп теракни кесиб, пўстлогини арчиб қўйишади. Сойдан беш-олти машина тош олиб келсангиз, бас, уста топиб, уста ҳақини келишиб, ишни бошлайвериш мумкин. Аммо уста деганлари ҳам анойи эмас. Тўсин чопишдан чиқадиган пайрахани ҳам киримга киритиб олгач, дўпписини қўлига олиб "тап" этиб кафтига уради-да, сўрайди:

— Хўш, Мамажонбой, нечта ҳашарингиз бор?

— Бор, ака, — дейсиз қаддингизни ростлаб, — 20-30 та ҳашарим бор. Фалончи уй қурганда 4 кун, пистончиникида 5 кун ишлаганман. Сиз бошлайверинг, жиян-пиянлар ҳаммаси ёпирилиб келишади.

— Келин-чи? Нечта лагани бор?

— Бор, уста, буёғидан хотиржам бўлинг.

"Нечта ҳашаринг бор?" дегани сен ҳам ҳашар-пашарга бориб турганмисан, ошна-оғайнинг уй қурганида қарашворганмисан ё қаққайиб юраверганмисан дегани. Лаганни сўрагани "Хотининг қариндош-уруғ уй солганида устасини йўқлаб турганми" дегани.

Ана шундан кейин айтиладиган одамлар айтилиб, ҳашар бошлаб юборилади. Биров тош терган, биров лой қорган, биров гувала ташиган, ҳазилмутойиба авжида. Қишлоқда ким кўп — бекорчи кўп, уч-тўрттаси "Ассалому алайкум, ишлар илгари!" деб кириб келади-да, ўзи билганича маслаҳат бера бошлайди:

— Ҳой, сомонни кўпроқ кўш. Қипиқ сомонни аяма!

— И-и, девор қийшайиб кетди-ку, гувалани ипга қараб қўйинглар.

— Ана, йўқлов ҳам келиб қолди, қўлни ювинглар, совиб қолмасин.

— Гувалани тиккалаб терма, эртага "гув" қуламасин яна?

— Сан бола, қозонингга қара. Қўлинг мунча қалтирайди, гўштдан сол яна!

Қурилиш шу алпозда беш-ўн кун давом этади. Маслаҳат берувчилар кўпайганидан сўнг, "оғзаки лойиҳа" йўл-йўлакай бир неча бор ўзгаради. Дунё дунё бўлганидан бери бирорта устанинг ишчи иккинчисига ёқмаган. Уйнинг эгаси бир ёқда қолиб кетиб, усталар, устасифатлар, ҳашарга эмас, ошарга келган бекорчилар тортишиб кетишади. Биттаси деразанинг ўрнини бу томондан қўямиз, деса, иккинчиси бошқа томонни кўрсатади... Аммо, уй, барибир битади. Битади деганимиз шуки, тош терилиб, девор урилиб, тўсин қўйилиб, похол тўшалиб, том ёпилади. Тамом, шу билан ҳашар ниҳоясига етади. Қолганини мулла Мамажон ўзи эплаши керак.

Мен ҳамма жойда ҳам уйлар айни шундай қурилади демоқчи эмасман. Лекин кўп жойларда бу иш, такрор айтаман, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. "Бизга бўлаверади, оқ уйим — қоқ уйим, исли уйим — ризқли уйим, сомон сувоқдан яхшиси йўқ..." дейдиганлар озмунча эмас.

Шу сатрларни қоғозга тушираётганимда хорижлик ёш олим билан гаплашиб қолдим. Америкада ўқиган бир ҳамюртимизга дўст тутинган экан, ўшанинг уйланиш тўйига келибди.

— Қалай, тўй ёқдими? — деб сўрадим.

— Жуда зўр, ажойиб, — деди у ўзига хос талаффузда — Одам коп бўлди. Сизларда кўп ички ичадилар. Уйлар яхши. Хоналар коп. Аммо, бир проблўм бор. Хожатхона ямон. Жуда ямон! Ювинишга имкон йоқ. Нега шундай, билмадим. Уй жуда коп, ортикча...

Қани , эътироз билдириб кўрингчи! Бир уйнинг юкига чидаган туя элакка келганида "бў..!" деб юборган экан. Катта сарф-харажатлар қилиб, довруғи етти маҳалладан ошадиган иморатлар қураётганлар кўпинча энг зарур, энг оддий нарсаларга бепарво бўлишади. Водий қишлоқларида бўлсангиз, жуда кўп нарсалардан кўзингиз қувонади. Шиғил-шиғил мева тугиб турган боғлар, саранжомсаришта ҳовлилар... Аммо, ҳалиги, заруратхона деганингиз.., эҳ, деб юборасиз-да...

Қишлоқларимизнинг бугунги қиёфаси, шубҳасиз, бундан 8-10 йилги кўринишдан кескин фарқ қилади. "Оналар ва болалар", "Соғлом авлод", "Обод маҳалла" дастурлари асосида неча ўн йилликлар давомида ҳаммамиз учун орзу бўлиб келган нарсалар — спорт ва соғломлаштириш майдончалари, тиббий ёрдам кўрсатиш, алоқа пунктлари, маданий ҳордиқ масканлари, ҳавас қилса арзигулик гулзору хиёбонлар бугун оддий воқелик бўлиб қолди. Кичик ва қўшма саноат корхоналарининг қишлоққа кириб келиши, тадбиркорлик ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши, маҳаллий хомашё ва маҳсулотлар билан ишловчи корхоналар фаолияти натижасида қанчадан-қанча янги иш жойлари пайдо бўлмоқда. Яхши яшашни орзулабгина қолмай ҳаракат қилаётган, ўқиб ўрганаётган, бир ишнинг пойидан маҳкам ушлаб ҳалол пешона тери тўкаётган, иқтидори, лаёқатини намоён қилаётган ёшларимизнинг ҳаёти, ҳар қалай, ёмон эмас. Лекин ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшаш, фаровон ҳаётга эришиш учун яна кўп ишлар қилиниши зарур. Булар ичида биздан қоладиган озод ва обод Ватанннинг шинам, "кулиб турадиган" уйлари, умуман, қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши муаммосининг ҳал этилиши ғоят муҳимдир.

Америка Қўшма Штатларини бориб ўз кўзи билан кўрмаганлар океан ортидаги бу "сеҳрли диёр" фақат осмонўпар бинолардангина иборат деб ўйлаши табиий. Аслида, Америка асосан бир қаватли ёруғ, қулай ва ўта тежамкорлик билан қурилган, инсон ҳаёти, турфа хил эҳтиёжлари учун зарур ҳамма имкониятлари мавжуд, асосан қарз олиб битказилган ва, албатта, кулиб турадиган уйлардан иборат. Бу уйлар Америкадай қудратли давлатнинг буюклигини таъминловчи нафис маржонларга ўхшаб кетади.

Бизда ҳам шундай бўлиши керак ва бўлади ҳам. Лекин бунга эришмоқ учун давлат билан бирга сиз, мен — ҳаммамиз, шу маржон уйларда яшовчилар, уларни келажак наслларга қолдирувчилар — ҳамма биргалашиб ҳаракат қилмоғимиз даркор.

М. АҲМАДЖОНОВ

ТАҲРИРИЯТДАН: *азиз муштарий, мана, «Кулиб турадиган уй» мақоласи билан ҳам танишдингиз. Унда кўтарилган муаммолар аслида бугун пайдо бўлган эмас, аммо бугуннинг гапидир, бугун бажарилиши, эътиборда бўлиши зарур бўлган эртанинг буюртмасидир.*

Юртбошимизнинг вилоятларга сафарлари чоғида қишлоқда турмуш маданияти, болалар тарбияси, оналаримиз саломатлигига доир муаммоларга алоҳида эътибор берилади. Уй-жой қурилишидаги пала-партишлик, меъморий ноўхшовликлардан тортиб инсоннинг тоза-озода яшаши учун зарур ҳисобланган энг оддий имкониятларгача тилга олинади.

«Кулиб турадиган уй» — бугун меҳмонлар учунгина табассум қилаяптими ёхуд бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, меҳнатимиз самараларидан баҳраманд бўлиб, болаларимиз роҳатини кўриб яшашимизга тўсқинлик қилаётган бепарволигимиз, беқунтлигимиз устидан кулаяптими? Шу ҳақда жиддий ўйлаб кўришимиз зарурга ўхшайди.

Азиз газетхон! Муаллифни қийнаётган бу саволлар кўпчиликни ташвишга солаётгани аниқ. Таҳририят шу туфайли бугундан эътиборан газетамиз саҳифаларида «Қишлоқ меъморчилиги» рукнини ташкил қилди. Бу борада янада қандай таклифлар билдирасиз? Пул топиб, ақл тополмай юрган айрим юртдошларимизга газета орқали айтадиган гапларингиз борми?

Сиздан мактублар кутиб қоламиз.

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» — БОЛАЛАР ОРОМГОҲИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Элмурод ЮНУСОВ).

Инсон ресурсларини ривожлантириш Ўзбекистон-Япония маркази (UJS) вакиллари Тошкент вилоятидаги Бўстонлиқ туманида жойлашган "Зангори олов" болалар оромгоҳига ташриф буюрди.

Мазкур марказ 2000 йил октябр ойида икки мамлакат ўртасида имзоланган келишувга кўра ташкил этилган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда Японияниг халқаро ривожланиш агентлиги марказнинг таъсисчиси ҳисобланади.

Япониялик меҳмонларнинг "Зангори олов" оромгоҳига қизиқиши бежиз эмас. Оромгоҳда АҚШ пойтахти Вашингтонда жойлашган The Hospitality and Information Services халқаро ташкилоти билан алоқа қилувчи Меҳмондўстлик ва ахборот хизматлари республика жамоат ташкилоти қошидаги "Интелектуал ёшлар" ўқув марказида таълим олаётган болалар дам олмоқда.

"Интелектуал ёшлар" маркази 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан ёшларга таълим бериш ва уларнинг муаммоларини ўрганиш билан шуғулланади. Марказ директори Дилмуҳаммад Камоловнинг таъкидлашича, 120 дан ортиқ ўқувчи бу ерга нафақат дам олиш, балки инглиз тилини ўрганишни давом эттириш мақсадида келган.

Япониялик меҳмонлар оромгоҳда дам олаётган болаларнинг ўқув машғулотларини кузатди, улар билан турли спорт мусобақаларида иштирок этди.

АКАДЕМИК САИДКАРИМ ЗИЁДУЛЛАЕВ

Мамлакатимиз фани оғир жудоликка учради. Йирик иқтисодчи олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, иқтисод фанлари доктори, профессор Саидкарим Зиёдуллаев 90 ёшида вафот этди.

Академик С.Зиёдуллаев 1913 йилнинг 15 октябрида Тошкент шаҳрида туғилди. 1938 йилда Москва коммунал қурилиш институтининг муҳандислик-иқтисод факультетини тамомлади.

Истеъдодли олим меҳнат фаолиятини 1938 йилда Ўзбекистон коммунал хўжалик комиссариятида муҳандис-иқтисодчиликдан бошлади. 1944-1946 йиллари Хоразм вилояти ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, 1946-1948 йиллари Ўзбекистон қурилиш материаллари вазири, 1948-1955 йиллари Ўзбекистон Давлат План комитети раиси, 1955-1956 йиллари Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ қурилиши вазири, 1957-1974 йиллари Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва Ўзбекистон Давлат План комитети раиси лавозимларида самарали фаолият олиб борди. 1952 йилда номзодлик, 1966 йилда докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

С.Зиёдуллаевнинг 1974 йилдан кейинги бутун фаолияти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан боғлиқдир. У йигирма йилга яқин Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгашига раҳбарлик қилди, умрининг охиригача Иқтисодиёт институтида илмий тадқиқотлар олиб борди.

Академик С.Зиёдуллаев халқ хўжалиги иқтисодиёти муаммолари, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш масалаларига оид 300 дан ортиқ монография, рисолалар, илмий ва илмий-оммабоп мақолаларнинг муаллифи эди. У илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди, унинг раҳбарлигида ўнлаб тадқиқотчилар докторлик ва номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

Олимнинг кўп йиллик илмий ва амалий фаолияти муносиб тақдирланган — у "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи" фахрий унвони ва ҳукуматимизнинг бир қатор орден ва медалларига сазовор бўлган эди.

Улкан олим, йирик фан ташкилотчиси, меҳрибон устоз Саидкарим Зиёдуллаевнинг порлоқ хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ў. СУЛТОНОВ, А. АБДУВОҲИДОВ, Ҳ. КАРОМАТОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ, П. ҲАБИБУЛЛАЕВ, О. ҲИКМАТОВ

Газетада босилмади, аммо...

Тиббий хизмат яхшиланади

Таҳририятимизга Чуст туманида истиқомат қилувчи И.Каримов ва бошқалардан шу туман марказий шифохонаси бўлим мудири У.Саидаҳмедовнинг ўз касбига лоқайдлиги оқибатида кўз касаллиги билан даволанган беморларнинг дарди аримай, аксинча, мушкул аҳволга тушиб қолганлари ҳақида ёзилган шикоят хати келган эди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Ш.ХОШИМОВ имзо чеккан **расмий жавоб**да айтилишича, У.Саидаҳмедов И.Каримов, С.Қўзиев, К.Акбаровларга 2000 йили жарроҳлик амалиёти ўтказишда, ҳақиқатан ҳам, камчиликларга йўл қўйган. Ушбу ҳолат Наманган вилояти, Чуст тумани марказий шифохонаси ходимлари ўртасида муҳокама қилиниб, касалхона раҳбарининг 2000 йилги буйруғига асосан шифокор У.Саидаҳмедов эгаллаб турган лавозимидан озод этилган ва поликлиникага офтальмолог вазифасига ўтказилган. Кейинчалик у билан меҳнат шартномаси бекор қилинган. Ҳозирги маълумотларга кўра, У.Саидаҳмедов тиббий муассасаларда фаолият юритмаётганлиги маълум бўлди. Вазирлик беморларга лозим бўлган тиббий ёрдамни ташкил қилишни вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси зиммасига юклади.

Сабр ва андиша

собит жойда оила мустаҳкам бўлади

Ажойиб — ўзига хос хусусиятларимиз бор. Азалдан қиз бола отаси олдида беандиша ҳатти-ҳаракатлар қилмаган. Ота бор жойда фарзандлар овозларини кўтариб сўзламаганлар. Хонадонда охирги гапни ҳамиша ота айтган. Ҳозир бу сингари қадриятлар шаҳар ва қишлоқларимизда сақланган, аммо ҳамма жойларда ҳам бирдек даражада эмас. Бугун ҳаётимизнинг барча соҳаларига тамаддуннинг беаёв ва шиддатли таъсири кириб улгурди. Илғор замонавий фан-техниканинг ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириши бугунги ислоҳотларни тезлатиб, тўлдириб бораяпти. Шунингдек, у энг халқчил анъаналаримиз, қадриятларимизга путур ҳам етказаяпти. Умумбашарий тараққиёт йўлида халқларнинг ягона йирик ижтимоий-сиёсий қарашлар атрофида бирлашувини сиёсатшунослар глобаллашув жараёни деб атамоқдалар. Савол туғилиши табиий: миллион йиллардан буён яшаб келаётган қадриятларимизни ана шу тезкор жараён давомида эъзозлашимиз учун нималар қилишимиз мумкин?

Келинг, биз сиз билан оила муносабатлари мисолида уларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг ўзига хос йўллари ва чора-тадбирлари хусусида тўхталайлик. Суҳбатдошимиз — ўз фаолиятини нодавлат ташкилот тарзида давом эттиришга киришаётган Республика "Оила" илмий-амалий маркази раҳбари, психология фанлари доктори, профессор Васила КАРИМОВА.

— Васила опа, суҳбатимизни аниқ кўрсаткичлардан бошласак. Жамоангиз ўтказган тадқиқотларга кўра бугунги замондошларимизнинг неча фоизи "Оила — муқаддас" деган тушунчага амал қилади? Ёшлар буларнинг қанчасини ташкил этади?

— Республика "Оила" илмий-амалий марказининг ўтган йилги тадқиқотларига қараганда, жами аҳолининг 80 фоизидан ортиғи оилани муқаддас деб билади. Шундан 73 фоизини ёшлар ташкил этади. Демак, аксарият ёшлар онгида оилани миллий қадрият даражасида англаш кучаймоқда. Шу билан биргаликда, бугун ижтимоий фаоллигини ошираётган, ҳунар ўрганиб, билим олишга интилаётган ёшлар сони ҳам кўпаймоқда. Мана, масалан, оилада қизлар тарбиясини олайлик. Улар асрлар мобайнида оилапарварлик руҳида тарбияланганлар. Бугунги қизлар эса ўз ўрнини фақат оилада кўрмаяпти. Қиз бола маълумот олиши ва ҳунар ўрганиши шарт деб билаётганлар сафи ўсаяпти. Бу ҳолатлар ўз-ўзидан никоҳ ёшининг катталашишига олиб келмоқда. 1990 йилларда никоҳ ёши йигитлар учун ўртача 20-21, қизлар учун 18 ёш белгиланган бўлса, бугун йигитлар учун ўртача 23-24, қизлар учун 20 ёш деб қайд этилмоқда. Бу кўрсаткичлар, айниқса, Эрон давлатида юқори. У ерда йигитлар учун ўртача никоҳ ёши 32-40, қизлар учун 26-30 дан иборат. Бир қатор ривожланган давлатларда шу сингари жараёнлар кузатилмоқда. Бу миллатлар орқали мен бизда ҳам шундай бўлиши керак, деган фикрдан йироқман. Буни ҳар бир юртнинг ўз ривожланиш босқичлари, менталитети, иқлими сингари омиллари ҳал қилади, албатта.

Қолаверса, шу ўзгаришларнинг ўзида ҳам глобаллашув таъсири сезилади. Дунёнинг турли бурчакларидан оқиб келаётган хабар ва маълумотлар, видеокассеталарда акс этган ўзга элат маданиятлари оиланинг миллий қадрият сифатидаги хусусиятларига таъсир қилмоқда. Бугун оиладаги ажримларнинг 58 фоизи ижтимоий психологик омиллар сабабли рўй бермоқда. Яъни, ёшлар оилавий масалаларга енгил қараяптилар.

— Мавзу масаланинг ҳуқуқий жиҳатларига келиб тақалмоқда. Бу борада яратилаётган қонунлар ва уларнинг ижроси билан боғлиқ ишлар сизни қанчалик қаноатлантиради?

— Бевосита фуқароларнинг оилавий муносабатларига алоқадор Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси", «Фуқаролик кодекси" ва «Меҳнат кодекси" бор. Улар мукаммал ишланган. Аммо қонунларнинг асл моҳиятини одамлар орасида тарғиб ва ташвиқ қилишда ишларимиз суст, деб ўйлайман. Қонунлар чиққач, уларни кўпинча мавсумий тарзда бир ўрганамиз-да, шу билан тўхтатамиз. Масалан, «Оила кодекси"да никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки никоҳ шартномаси тузиш мумкинлиги тўғрисидаги моддалар борлигини баъзи мутахассислар ҳам билмайдилар. Натижада, кези келиб, молмулк тақсимланаётганда оилалар ўртасида келишмовчиликлар кучаяди. Ортиқча ғалва кўпаяди.

Кўпчилик ёшлар никоҳ тушунчаси икки шахснинг ўз муносабатларини қонуний тарзда ҳал этилиши эканлигини ҳам билишмайди. Баъзан чекка қишлоқларда аёл 2-3 боласи билан уйдан ҳайдалиб, қаерга боришини, кимга мурожаат этишини билолмай юрган ҳолатлар ҳам бўлади. Ўз ҳақ-ҳуқуқини билганлар ҳеч қачон, ҳеч қаерда сарсон бўлмайдилар. Демак, қонунларнинг моҳиятини одамларга етказишда оммавий ахборот воситалари, давлат ва нодавлат ташкилотлар изчил ва мунтазам иш олиб борсаларгина, уларнинг саъйи ҳаракатлари шу мақсад учун уюшса, уйғунлаша олсагина, қонунлар оилаларга тезроқ кириб боради.

— Бозор муносабатлари аёлларимизни анча фаоллаштирди. Ўзбек аёлининг фарзандлари учун жонсараклиги аён. Лекин баъзан ана шу хусусият оила учун қимматга тушаётгандай туюлади.

— Ўзбек хонадонида назарий жиҳатдан эркак етакчи бўлса-да, амалда аёл етакчиликни қўлига олди. Аёл зиммасидаги юк кўпайди. Бозор-ўчарда, қариндошлар билан борди-келди муносабатларида, болалар тарбияси ҳамда уларнинг боғча, мактабларга қатнашида асосан, аёл масъул бўлди. Фарзандлар кўз ўнгида онанинг нуфузи ортгани ота ролига таъсир кўрсатди. Шундай ҳолатларда оқила аёллар болаларга отанинг муносиб ўрнини таъкидлаб туради, яхши хусусиятларини бўрттиради. Республикамиздаги аксарият бахтли оилаларнинг пойдевори аслида Шарққа хос шу муҳим фазилат билан барқарор. Бугун аёл ақл-тафаккури ва маънавий дунёсига жуда кўп нарса боғлиқ бўлиб қолди. Ҳатто оилада ота маълум муддат маблағ тополмай, рўзғорга қарашолмай қолган ҳолатларда ҳам аёл отанинг оиладаги обрўсига путур етадиган ҳеч қандай ҳатти-ҳаракат содир этмаслиги, аксинча, болалари олдида уни маънавий қўллаши даркор. Аёл фаолияти суст эркакларни дадил бўлишга ундаши, эркакда янги режа ва ғоялар туғилишига кўмаклашиши шарт. Бу оғир руҳий жараён, аммо оила барқарорлиги, аҳил-тотувлиги учун ҳаводек зарур хусусият. Тадбиркорлик билан шуғулланаётган ёки кўпроқ моддий даромад топаётган баъзи аёллар сабр ва андишани оёқости қилиб, отага нисбатан хонадонда очиқчасига маънавий ҳужум бошлайдилар. Буни фарзандлар дарҳол юқтиришади. Оқибатда оилада иқлим бузилади. Бунга баъзи эркаклар чидайди, баъзилари ўзлари истаган муҳитни бошқа ерлардан қидиришга тушадилар.

Демоқчимизки, бугун оилада отанинг ўрнини жойига қўя олаётган тадбиркор, олима, депутат аёллар ҳар томонлама ютишмоқда. Ахир, халқимизда «Эр рози — худо рози», деган нақл бор. Даврнинг ҳар қандай янгилигу илғор ғояларини ўзимизда татбиқ қилиш учун уларни шундайлигича эмас, асл миллий қадриятларимизга уйғун ҳолда қабул қилишимиз лозим деб ўйлайман. Шундагина ўзлигимиз, оиламиз, қолаверса, эркимизни сақлаб қолган бўламиз.

«Халқ сўзи» мухбири Мамлакат НОРМУРОДОВА суҳбатлашди.

"Ўзбекистон Швейцарияси" деб аталмиш Хонобод ҳақида эшитганмисиз? Тянь-Шану Ҳимолай тоғ тизмалари этагида жойлашган ушбу масканда бўлмабсиз, дунёга келмабсиз. Ўзига хос табиати, мусаффо ҳавосидан тўйиб нафас олган одам меҳнат таътилида Анталияю Гавай оролларига эмас, ҳар йили Андижоннинг Хонободига ошиқади. Бу ерда Марказий Осиёнинг бошқа жойларида учрамайдиган оқ қайинзорлар, қарағайзорлар, альбиция, магнолия, каталпа, каштан, лола дарахтлари, япон беҳиси сингари ўнлаб ноёб дарахтлар шаҳар кўркига-кўрк қўшиб турибди.

Хонобод обод бўлмоқда



Бундан ўттиз бир йил муқаддам икки қишлоқ — Қорабағиш, Хонобод негизида ташкил этилган шаҳарча бугунга келиб чин маънодаги курорт манзилга айланди. Айниқса, мустақиллик йилларида шаҳар ғоят кўркамлашди, бутунлай ўзгача чирой кашф этди. Кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари авж олдирилди. Шаҳар ўрамига кирган ўнлаб маҳаллаларга табиий газ, ичимлик суви келтирилди, йўлларга асфальт ётқизилди. Хонобод боғларига турли мамлакатлардан турфа гул ва дарахт кўчатлари олиб келиниб, парваришланди.

Ҳозир шаҳардаги Алишер Навоий номидаги ва Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғлари шаҳарликлар ва шаҳар меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатаётир. Шунингдек, боғлар атрофи ва манзарали гўшаларга қурилган чойхона ҳамда ошхоналарда дам олувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Дам олувчиларни шаҳарнинг энг хушманзара гўшаси — Боғибаландга бир километр узунликдаги осма йўл олиб чиқади. Қарийб 110 метр юқорида жойлашган оромгоҳга чиқа чиққунингизча шаҳарнинг энг сўлим масканлари, Андижон сув омбори кафтдай кўриниб туради. Шунингдек, сиз ўзингизни Ҳимолай ва Тянь-Шан тоғлари ёнига келиб қолгандай ҳис этасиз. Олимларнинг эътирофича, Хонободнинг ери, суви, ҳавоси энг мусаффо, айни пайтда шифобахш экан. Айни кунларда Боғибаландда дам олувчиларга хизмат кўрсатадиган оромгоҳ қурилмоқда. Келгуси йил Мустақиллик байрамига қадар фойдаланишга туширилиши кўзда тутилган ушбу масканда бир вақтнинг ўзида 200 нафар киши дам олиш имкониятига эга бўлади.



Шунингдек, шаҳарда 2000 ўринли халқаро андозаларга жавоб берадиган "Паҳлавон" спорт иншоотининг қурилиб фойдаланишга топширилиши, бу ерда келгусида юрт байроғини, шон-шуҳратини баланд кўтарадиган, кураги ерга тегмайдиган полвонлар, номдор спортчилар етишиб чиқишига умид уйғотади.

Бугун бу замин томон ошиқаётган сайёҳлар, зиёратчи ва дам олувчиларни янги келинчаклар мисол гулу чечакларга бурканган гўзал шаҳар "Хуш келибсиз, бизнинг Хонабодга!" дея ғурур билан қарши олади.

Мавжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Суратқаш мухбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқулов олган суратларда шаҳар манзаралари акс этган.

«Биз ўзини еб қўя қолардик»

Кимдир гап орасида Олтиариқ деб юборса, лоп этиб кўз ўнгингизга даставвал мазаси нокни эслатувчи турп, ўн етти ёшли сарвинознинг жимжилоғидай, мазаси тилни ёрадиган ҳусайни узум, уларни етиштирган бободеҳқон, қолаверса, Олтиариқни таърифию таснифини оламга ёйиб юрган шоирлари-ю адиблари, қизиқчиси ҳамда аскиячиси, созандаси-ю хонандаси келади десак, асло муболаға бўлмайди.

Олтиариқлик миришкорларнинг деҳқончиликдаги муваффақиятлари эшитиб, улар ҳақида бир очерк ёзаман деб юрган хоржлик журналист яқинда у ерга келиб, уста бир деҳқонга учрашибди. Бир чўқим ош, аччиқ кўк чойдан кейин меҳмон мезбон Матқовул бувага саволлар ёғдира бошлабди:

— Ёшингиз нечада?

— 76 баҳорни кўрдим.

— Фарзанддан нечта?

— Етти фарзанд, 34 набира, 16 нафар чеварам бор.

— Қумрихон ая не иш билан машғуллар?

— "Ҳосилот" ОЛТД фирмасининг каттаси.

— Асосий тирикчилик манбаингиз?

— Ер, заминдан баҳра оламиз.

— Неча марта ҳосил оласизлар?

— Тўрт марта.

— Қандай қилиб?

— Декабрь ойидан плёнка остига бодринг экамиз. Уни йиғиштириб олиб, эртанги сабзи уруғини сочамиз, сўнг жўхори, ундан кейин турп.

— Ол-а! Биз ундай тупроқнинг ўзини еб қўя қолардик, — дермиш ҳайрат билан журналист.

Саидолим ҲАЙДАРОВ.

«JIZZAX ELEKTR TARMOQLARI» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Jizzax elektr tarmoqlari»

очиқ акциядорлик жамияти

сизларга қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2002 йил 4 июнда Р 0472-рақам билан рўйхатга олинган эмиссия рисоласига киритилган ўзгартиришлар матнини ҳавола этади.

ЭСКИ ТАҲРИР

1.2-боб, 1-банд.
Умумий маълумотлар.
а) устав фонди — 3252139000 сўм
б) акциялар сони — 3252139 дона
в) битта акциянинг номинал қиймати — 1000 сўм (ҳамма акциялар бир хил номинал қийматга эга).

2.2-боб, 2-банд.
Давлат улушига ажратилган эгаси ёзилган оддий акциялар.
а) акциялар улуши — 51%
б) акциялар суммаси — 1658591000 сўм
в) акциялар сони — 1658591 дона

3.2-боб, 3-банд.
Меҳнат жамоаси улушига ажратилган эгаси ёзилган оддий акциялар.
а) акциялар улуши —
б) акциялар суммаси —
в) акциялар сони —

4.2-боб, 4-банд.
Эркин савдо ва хорижий инвесторлар улушига ажратилган эгаси ёзилган оддий акциялар.
а) акциялар улуши — 49%
б) акциялар суммаси — 1593548000 сўм
в) акциялар сони — 1593548 дона

5.2-боб, 5-банд.
Акцияларни чиқариш шартлари
100% 3252139000 сўмлик, 3252139 дона эгаси ёзилган оддий акциялар марказлаштирилган депозитарийда сақланадиган (нақдсиз) тарзда чиқарилади.

6.2-боб, 6-банд.
Чиқариладиган акцияларни тарқатиш ва сотиш тартиби, миқдорлари, сотиб олиш муддатлари. Эмиссия рисоласининг юқоридаги бандларига асосан ўқилади.

ЯНГИ ТАҲРИР

1.2-боб, 1-банд.
Умумий маълумотлар.
а) устав фонди — 3252140000 сўм
б) акциялар сони — 325214 дона
в) битта акциянинг номинал қиймати — 10000 сўм (ҳамма акциялар бир хил номинал қийматга эга).

2.2-боб, 2-банд.
Давлат улушига ажратилган эгаси ёзилган оддий акциялар.
а) акциялар улуши — 51%
б) акциялар суммаси — 1658590000 сўм
в) акциялар сони — 165859 дона

3.2-боб, 3-банд.
Меҳнат жамоаси улушига ажратилган эгаси ёзилган оддий акциялар.
а) акциялар улуши — 2%
б) акциялар суммаси — 65040000 сўм
в) акциялар сони — 6504 дона

4.2-боб, 4-банд.
Эркин савдо ва хорижий инвесторлар улушига ажратилган эгаси ёзилган оддий акциялар.
а) акциялар улуши — 47%
б) акциялар суммаси — 1528510000 сўм
в) акциялар сони — 152851 дона

5.2-боб, 5-банд.
Акцияларни чиқариш шартлари
100% 3252140000 сўмлик, 325214 дона эгаси ёзилган оддий акциялар марказлаштирилган депозитарийда сақланадиган (нақдсиз) тарзда чиқарилади.

6.2-боб, 6-банд.
Чиқариладиган акцияларни тарқатиш ва сотиш тартиби, миқдорлари, сотиб олиш муддатлари. Эмиссия рисоласининг юқорида ёзилганларга асосан янги таҳрирда ўқилсин.



Зулфия Зуфарованинг касби шифокорлик. У бир неча йиллардан буён Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги республика болалар ортопедия марказида меҳнат қилади. Ҳалол, меҳнаткаш, энг асосийси, ўз касбининг фидойиси. Шу боисдан ҳам Зулфияхоннинг қабулига келувчиларнинг кети узилмайди.

— Мақсадимиз — битта, — дейди Зулфия Зуфарова. — Фарзандларимиз соғлом ва баркамол улғайсин. Ана шу қутлуғ ишга ҳисса қўшаётганимдан хурсандман.

СУРАТДА: шифокорлар Зулфия Зуфарова ва тиббиёт фанлари номзоди Сайёра Турсуновалар иш устида.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Вилоятда «Мактаблар куни»

«Мактаблар куни» Навоий вилоятида илгари ҳам ўтказилиб келинарди. Аммо унинг самараси кўзга ташланмади. Қоғозда бору, амалда йўқ тадбирга айланиб қолди.

Вилоят ҳокимлиги кўпчиликнинг эътиборини яна бир бор айнан шу эзгу иш томон қаратди. Ҳар ойнинг учинчи жумасини махсус қарор билан «Мактаблар куни» деб белгилади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилишини таъминлаш, мактабларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, ўқувчиларга Давлат таълим стандартлари даражасида билим бериш учун қулай шарт-шароит яратишга кўмаклашиш бош мақсад қилиб қўйилди.

Вилоят ҳокими Баҳриддин Рўзиев бошлиқ барча бошқарма, ташкилот, муассасаларнинг мутасадди раҳбарлари Хатирчи туманига ташриф буюришди. Маслаҳат йиғинининг дастлаб ушбу туманда ўтказилгани бежиз эмас. Йирик ҳудуднинг халқ таълими тизимида долзарб муаммолар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар тўпланиб қолган эди. Маблағ етишмовчилиги туфайли таъмирлаш ишлари ўлда-жўлда қолаяпти. Парта, стол-стуллар янгиланмаяпти. Умуман олганда, 84 та мактабдан 28 тасининг моддий-техника базаси ночор.

Очиқ мулоқотда кўтарилган муаммоларни тезда ҳал этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Қарабсизки, қисқа муддатда Навоий ГРЭСи томонидан 1-мактабнинг томи қайта шиферланди. 8-мактабдаги қўшимча синф хоналари қурилишига молия бошқармаси бош-қош бўлди. Спорт қўмитаси эса 10-мактабни спорт жиҳозлари билан таъминлади. Шунингдек, электралоқа бошқармаси 14, 24-мактабларга телефон ўрнатиб берган бўлса, Кончилик институти 46-мактабга 2 дона компьютер ҳадя этди. Педагогика институти 9-мактабнинг кимё, физика фанлари синф хоналарини лаборатория жиҳозлари билан тўлдирди. Бу хайрли ишда Маънавият ва маърифат маркази ҳам қараб турмади. Улар 28-мактаб кутубхонасини ўқув қўлланмалари ва адабиётлар билан бойитишди. Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ёрдамида 15-мактаб томи ёпилди. «Навоий Лада» корхонаси 44-мактабга 110 дона шифер олиб берди. Хуллас, бундай мисолларни анча давом эттириш мумкин. Хусусан, тумандаги ташкилот, корхона, ширкат хўжаликлари 56 та мактабга баҳоли қудрат ёрдам уюштирдилар.

Навбаҳор туманида бўлиб ўтган мулоқотдан сўнг вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси Лутфий номли мактабда 1 миллион сўм атрофида таъмирлаш ишларини бажарди. Назорат-тафтиш бошқармаси Фирдавсий номли мактабни бўёқ билан таъминлади. Педагогика билим юрти О.Сувонов номли мактабга «Правец-8» компьютерларининг бир жамламасини совға қилди.

Ўзбекистон-Америка «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси янада катта ҳиммат кўрсатди. Нурота шаҳридаги Х.Худойқулов номли ихтисослаштирилган гимназияга 65 миллион сўмлик 12 дона энг сўнгги русумдаги компьютерлар, туман халқ таълими бўлимига 11 миллион сўмлик спорт анжомлари ҳадя этди.

Шу тариқа, Навоий туманида 14,5 миллион, Конимех туманида 11,5 миллион, Кармана туманида 4 миллион, Томди туманида 3,5 миллион, Зарафшон шаҳрида 192 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди, янги жиҳозлар харид қилинди. Бугижорий таъмирлашга 79 миллион сўм ажратилди. Аммо улар билан қаноатланиб турганимиз йўқ. Ҳали газлаштирилмаган, тоза ичимлик суви етиб бормаган мактаблар анча. Асосий эътиборни моддий базаси ночор ана шу мактабларга қаратаяпмиз.

Вилоятимизда 375 та мактаб бўлиб, уларнинг 329 таси қишлоқларда жойлашган. Шу кунгача барча мактаблар, 196 та мактабгача тарбия, 23 та мактабдан ташқари муассасаларда жорий таъмирлаш ишлари тугалланди. Тўлиқ қайта таъмирланиши режалаштирилган 22 та мактабнинг аксарияти ўқув йилига шай. Қурилиши тугалланмаган 20 та мактабда ишлар жадал бораяпти. Қишки мавсумга пухта тайёргарлик кўраяпмиз. Қозонлар, ситиш тармоқларини созлаш, янгилаш ишлари қатъий назоратга олинган. Кўмир ва бошқа ёқилғилар жамғарилаяпти.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда «Мактаблар куни» доирасида ўтказилаётган тадбирларнинг самараси «мана мен» деб бўй кўрсатиб турибди. Аслида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш — ҳар биримиздан фаолликни, фидойиликни талаб этмоқда. Давлатимиз таълим тизимини ислоҳ қилиш учун ўз бюджетидан ажратаётган маблағни дунёдаги камдан-кам мамлакатлардагига тенглаштириш мумкин. Барибир ҳиммат, ҳомийлик каби савоб ишлар бу соҳанинг янада равнақ топишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаверади.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мактабга ёрдам — келажакка ёрдам

Етти ёшли Қосимбекнинг муваффақияти

Шахмат-шашка

Жиззахдаги «Ёшлар маркази»да республика маҳаллалари ёшлари ўртасида шахмат ва шашка бўйича ўтказилаётган мусобақаларнинг финал босқичи бўлиб ўтди. Маълумки, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Обод маҳалла йилига бағишлаб ўтказилаётган мусобақаларда 18 ёшгача бўлган йигит-қизлар иштирок этишмоқда. Якуний беллашувларга Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардан жамоаларининг тўлиқ келиши шахмат-шашка ишқибозларининг тадбирга қизиқишини янада оширди.

Олдиндан эътироф эта қолайлик: ўзига хос мусобақалар республикада янги номларни кашф этди, десак ҳеч ам муболаға бўлмайди. Бу йил илк бор мактабга қадам қўядиган бухоролик 7 ёшли Қосимбек Алиев барча вилоятлардан келган рақибларини доғда қолдириб, шашка бўйича биринчи ўринни олишини ким ўйлабди дейсиз? Унинг ҳамюрти Нигина Бозорова эса қизлар ўртасидаги мусобақаларда чиройли ўйин кўрсатиб, республика маҳаллаларининг «Шашка маликаси» бўлди.

Фарғона ўзининг обод маҳаллалари билан азалдан ном чиқарган. Маҳаллаларда уюштирилган оммавий тадбирларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни беқиёс. 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган кишиларнинг доимий машғулотларидан бири шахмат-шашка ўйнаш. Фарғона маҳаллалари шахмат мактабининг вакили Олимжон Тоштемиров мураккаб комбинацияли ўйинлари билан бошқаларда ғолибликка умид қолдирмади, биринчи ўринни олди. Навоий вилоятидан келган Гулбаҳор Шодиева эса қизлар ўртасида биринчиликни қўлга киритди.

«Оммавийликдан — Олимпия медалларига» шиори остида ўтган мусобақаларда фаол иштирок этиб, энг кўп очко жамғарган Жиззах вилояти вакиллари махсус кубок билан тақдирланди.

Ғолиб спортчиларга эсдалик совғалари, дипломлар топширилди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Болалар спортига эътибор

Беруний туманидаги «Қиётобод» ширкат хўжалиги ҳудудида замонавий болалар спорт мажмуи қурилиши бошланди. Яқин ойлар ичида бу ерда футбол, волейбол, баскетбол майдончаларидан ташқари югуриш йўлакчалари ҳам болажонлар ихтиёрига топширилиши кўзда тутилган.

Янги ўқув йилида эса туман мактабларининг еттитаси замонавий спорт залларига эга бўлади.

Ўз мухбиримиз.

«Ургутлик афандилар»

ёхуд «Ҳандалак» ижодкорларининг янги фильми хусусида

Дунёда кулгуни, ҳазилмутойибани яхши кўрмайдиган одам топилмаса керак. Ҳар бир юртнинг ўзига хос кулгу усталари, қизиқчилари бўлган. Бу борада биз ҳар қанча фахрланиб, мақтаниб гапирсак камлик қилади. Зеро, азалдан мамлакатимизда кулгуга хос жанрлар кенг ривожланиб, элимиз орасидан машҳур қизиқчилар, сўз усталари етишиб чиққан. Шунингдек, сатирик йўналишдаги кино яратишда ҳам машҳур комик актёрларимизнинг ўрни беқиёс. Шу боис турли йилларда яратилган комедия фильмларини халқимиз севиб, қайта-қайта томоша қилади. Бугунги кунда «Ёшлар» телеканалининг «Ҳандалак» ҳажвий журнали орқали яхши танилган Ортиқ Султонов ва Зокир Очилдиевларни ҳам ўзига хос қизиқчилар сифатида эътироф этсак арзийди.

Гап шундаки, улар яқинда ўзларини кино соҳасида синаб кўришди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Анвар Обиджон қаламига мансуб «Саданатут» ва «Серкахоним» асарлари асосида тасвирга туширилган янги комедияда «ҳандалак»чилар бош ролларни ижро этдилар. Фильм «Мутаржим» студияси томонидан суратга олинди. Хўш, кино нима ҳақда?

Орамизда кулгу-юҳазилни севадиган, шу билан бирга, хатти-ҳаракатлари афандимижоз бўлган кишилар кўп. Фильмда қишлоқ ҳаётига доир турли кулгили ҳолатлар талқин этилган. Кино Самарқанд вилоятининг сўлим Ургут туманида олингани ва бош роль ижрочиларининг ўзлари ҳам шу тумандан бўлгани боис «Ургутлик афандилар» деб номланди.

Кинони тасвирга тушириш ишлари Омонқўтон, Терсак ва Қизилбош каби қишлоқларда бўлиб ўтди. Бу ернинг табиати жуда гўзал. Атроф ям-яшил тоғлар, ўрмон ва зилол булоқлардан иборат. Ижодий гуруҳ фильмни тасвирга туширишдан олдин миллий урф-одатларимизга амал қилган ҳолда учала қишлоқ оқсоқолларини йиғиб, оқ фотиҳа олишди.

Суратга олиш жараёнидаёқ бўлаётган ҳолатларни кузатиб турган гуруҳ ўзларини кулгудан тийиб туришолмади. Айниқса, эчки билан боғлиқ эпизодда бир-биридан қизиқ воқеалар рўй берди. Эчки актёр эмас, унга гап уқтириб бўлмайди. Уни тинчлантириш учун, ҳатто, режиссёрнинг ҳам эчки билан «жиддий» гаплашишига тўғри келди. Маккажўхори пояси, мева-чеваларни еган эчкининг чакаги тинмайди. Уни кадрга олиб кириб, тасвирга олишни бошлаш учун «мотор» деган овоз янграши билан яна «эчкилиги» тутиб олиб, шаталоқ отишни бошлайди. Хонадон эгасининг экинлари пайҳон бўлиб кетган, у эса ҳовлисида кино олинаётганлигидан хурсанд!

Фильмда «ҳандалак»чилардан ташқари бир қатор таниқли актёрлар ҳам суратга тушишган. Бош рол ижрочиларидан бири Ортиқ Султонов кино ҳақида шундай деди:

— Бир сўз билан айтганда, кино афандимижоз кишилар ҳақида. Кинони тасвирга олиш жараёнида унинг кўрсатув тайёрлаш билан тубдан фарқ қилишини билиб олдим. «Ҳандалак»ни биз бир неча киши яратамиз. Кинода эса, мана, кўриб турибсизки, қирқдан зиёд киши меҳнат қилаяпти. Режиссёрдан жуда миннатдормиз. Чунки у бизга эринмасдан тўлиқ метражли кинода ишлашни ўргатди. Актёрлар ҳам режиссёрнинг тавсиясига кўра танланди. Ижодий гуруҳга яхши шароит яратиб берган продюссер Дилмурод Қўшоқовга ҳам миннатдорчилик билдирамиз.

Дилмурод Қўшоқов ҳикоя қилади:

— Фильмнинг бир жойида кўпчиликни йиғиб, уларни кулдириб туриш керак эди. Одамларни узоқдан тасвирга олиш учун камерани баландликка ўрнатиб қўйдик. Зокир Очилдиев қўлига болға билан мих олиб, «Ургутлик афандилар» деб матога ёзилган катта лавҳани симёғочга қоқишга тайёрланди. Бўлаётган воқеаларга қизиққан одамлар ўз-ўзидан тўплана бошлади. Шунда беихтиёр икки кишининг суҳбатини эшитиб қолдим. Улардан бири «Тепада камера турибди, нима қилишмоқчи экан», деса, иккинчиси «Кино қўйиб беришаркан», деб жавоб берди. Шунда биринчи киши «Ие, куппа-кундузи ҳам кино қўйса бўладими?» деса, шериги: «Ҳа, энди техника ривожланиб кетган-да», деб қўйди. Хуллас, тасвирга олиш ишлари биз кутгандан ҳам зиёд равишда амалга оширилди. Ўйлайманки, бу фильм томошабинлар қалбидан чуқур жой олади.

Мақсуд МИРЗО.

Истиқлолни мадҳ этиб

Жиззах шаҳрида «Истиқлоли порлоқ юртга истеъдодли ёшлар керак» мавзусига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Шаҳар халқ таълими бўлими ҳамда Республика Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорликда уюштирган тадбирда ижодкор ўқитувчи ва ўқувчилар Ватан, Истиқлол ҳақидаги шеърларидан намуналар ўқишди. Бир қатор мактаблар бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўзларининг Мустақилликнинг 12 йиллигига бағишлаб тайёрланган дастурларини намойиш этдилар.

Ўз мухбиримиз.

ХАВОДАН ПУЛ ОЛИШНИ хоҳлайсизми?!
ТАШКИЛОТ
кислород (шу жумладан, медицина кислороди), азот ишлаб чиқариш бўйича АЖ КЖ-007 русумли
КИСЛОРОД СТАНЦИЯСИНИ СОТАДИ.
Асосий параметрлари
1. 1 соатда кислород ишлаб чиқариш 70 м³
2. Фойдаланиладиган техник мой йилига 600 литр
3. Фойдаланиладиган электр энергияси соатига 96 КВт
Мурожаат учун телефон: 133-31-02.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

KENWOOD
Беспроводные средства связи
СП «ТЕЛКО»,
тел. 137-06-86,
факс 137-06-88,
www.telko.uz,
e-mail: telko@telko.uz.

SHAYHONTOHUR TEXTILE
AYGEN COLLECTION
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:
Аёллар, болалар ва эркаклар учун юқори сифатли спорт ва трикотаж кийимлари.
Тадбиркорларни Ўзбекистон ва МДҲ бўйича дистрибьютерликка таклиф этамиз.
Манзил: Тошкент шаҳри, Мақсуд Шайхзода кўчаси, 1-уй.
Тел.: 116-86-57. Факс: 116-86-53.
Мулоқот учун шахс: Абдулвоҳит Ибрагимов.
E-mail: shayhontohur.textil@uzpak.uz www.shayhontohur.com

ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА ТАНЛОВ АСОСИДА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
МУТАХАССИСЛИКЛАР:
гастроэнтерология — 3,
юқумли касалликлар — 4, даволаш физкультураси ва спорт тиббиёти — 4,
психиатрия — 2, патологик анатомия — 2,
суд тиббиёти — 2, нейрохирургия — 4,
гематология — 4, аллергология — 4,
анестезиология ва реаниматология — 4,
клиник фармакология — 4, пульмонология — 4,
нур ташхиси ва нур терапияси — 2,
фтизиатрия — 2, наркология — 2,
физиотерапия ва курортология — 4,
онкология — 3.
Ҳужжатлар 2003 йил 30 августгача қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 2-уй, бош ўқув биноси, 4-қават, аспирантура бўлими.
Телефон: 118-59-41.

Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси жамоаси жамғарма фаоли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими **Баҳо ШОДИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Радиоси жамоаси «Дўстлик» муҳарририяти бош муҳаррир ўринбосари Юсуф Зиёевга волидаи муҳтарамаси **ТЎХТА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси жамоаси «Хоразм телеком» филиали директори Ортиқбой Оллаберганова ўғли **Ғулом ОЛЛАБЕРГАНОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти жамоаси Ўзбекистон тарихи ва иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири, доцент Раъно Умурзақовага ўғли **ЖАВОҲИРнинг** фожиали вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 768,
22690 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — М.ЖОНИХОНОВ.
Мусаҳҳиҳ— М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.50
1 2 3 4 5 6